

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7298014>

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичи жараёнида кичик бизнес бошқарувининг аҳамияти ва барқарорликка эришиши каби муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришидаги алоҳида ўрни кенг ёритилган бўлиб, соҳани рақамлаштиришнинг муаммолари, салбий ва ижобий жиҳатлари бир қатор хориж ва маҳаллий олимлар тадқиқотлари мисолида ўрганилган. Ушбу соҳа аҳоли иқтисодий ўсиши, даромадлари ва фаровонлигини оширишидаги ўрни, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириши ва давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашидаги роли хусусида атрофлича тўхталиб ўтилган. Шунингдек, саноат эволюцияси ривожланиш босқичлари ва уларнинг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий таррақиётида кичик бизнеснинг ўрни халқаро статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини рақамлаштириш юзасидан илмий аҳамиятга эга хулосалар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, бошқарув, индустрия 4.0, ақлли бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ўсиш, саноат эволюцияси, электрон тижорат.

ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье широко освещается значение управления малым бизнесом на современном этапе развития цифровой экономики и его особая роль в выполнении важных социально-экономических задач, таких как достижение устойчивости. Подробно рассмотрена роль данного сектора в повышении экономического роста, доходов и благосостояния населения, а также роль в ускорении темпов роста национальной экономики и укреплении экономической мощи государства. Также были выделены этапы развития промышленной эволюции и ее значение. Проанализирована роль малого бизнеса в социально-экономическом развитии страны на основе данных международной статистики. В условиях цифровой экономики приведены выводы, имеющие научное значение, касающиеся цифровизации управления малым бизнесом.

Ключевые слова: цифровая экономика, малый бизнес, управление, индустрия 4.0, умное управление, социально-экономический рост, промышленная эволюция, электронная коммерция.

CHALLENGES AND PROSPECTS OF SMALL BUSINESS MANAGEMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

Abstract. In the article, the importance of small business management in the current stage of development of the digital economy and its special role in the performance of important socio-economic tasks such as achieving stability are widely covered. The role of this sector in increasing the economic growth, income and well-being of the population, as well as the role in accelerating the growth rate of the national economy and strengthening the economic power of the state is discussed in detail. Also, the development stages of the industrial evolution and its

importance have been highlighted. The role of small business in the socio-economic development of the country was analyzed based on international statistical data. In the context of the digital economy, conclusions of scientific importance are given regarding the digitization of small business management.

Keywords: *digital economy, small business, management, industry 4.0, smart management, socio-economic growth, industrial evolution, e-commerce.*

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти ҳукмронлиги шароитида иқтисодиётда рўй бераётган турли макроиқтисодий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Тадбиркорлик, жумладан кичик тадбиркорлик давлатнинг муҳим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларини ҳал этиши унинг ҳозирги глобаллашув жараёнида нақадар муҳим соҳа эканлигидан далолат беради. Айниқса, кичик тадбиркорликнинг муҳим хусусияти шундаки, жамият тараққиётининг турли босқичларида, ҳар қандай оғир шароитда: иқтисодий тушкунликда, кризис (инфляция) даврида, керакли инфратузилма бўлмаганда, кредитлар фоизи баланд бўлганда, хавф-хатар юқори ва келажаги номаълум бўлганда ҳам, бунёд бўлаверади, иқтисодий фаолиятни амалга оширади ва мамлакатни қалтис вазиятлардан чиқаришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат ривожидида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик яқин ва узоқ келажакда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий омили, тараққиётнинг эса қудратли катализатори ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўрилган узил-кесил чора-тадбирлар натижасида ушбу секторнинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши сезиларли даражада ошиб, 2019 йилда 56,5 % ни, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг эса 76,2 % ини ташкил қилди. Ушбу секторнинг ЯИМдаги улуши иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан Японияда–55%, Германияда–54%, АҚШда–52%, Қозоғистонда–25,6%, Россияда–20,0%ни ташкил этади. Демак, ЯИМ ҳажмида кичик бизнеснинг улуши турли мамлакатларда турлича кўрсаткичларда бўлиб, Ўзбекистонда кичик бизнес улуши ЯИМнинг ярмидан ортиғини ташкил этади.

Жаҳон Савдо Ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар ишбилармон аҳолининг 90%дан ортиғини, иш билан таъминланганларнинг 60-70%ини ва ЯИМнинг 55%ини ташкил этади. Бу ўз навбатида, кичик бизнеснинг, айниқса ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида ўта муҳим соҳа эканлигини ва унинг хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Миллий иқтисодиётда содир бўлаётган макроиқтисодий ўзгаришлар барча соҳаларда, жумладан, кичик бизнес бошқарувида ҳам улкан бурилишга сабаб бўлди. Бу ўз навбатида, жаҳонда тўртинчи саноат инқилобининг бошланиши билан барча мамлакатлар иқтисодиётини тубдан ўзгаришига ва бу инқилобнинг асосий кўриниши бўлган рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан бошланди. Айниқса, иқтисодиётни рақамлаштириш кичик бизнес учун янги имкониятлар ва истиқболларни очиб берди. Кичик бизнес бир томондан, рақобатбардошликнинг мақбул даражасини сақлаб қолиш учун рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланишга мажбур бўлса-да, бошқа томондан, бу соҳа

ушбу элементларнинг ривожланиши учун шароит яратиши диққатга сазовордир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес нафақат мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг қудратли катализатори, балки рақамли иқтисодиётни шакллантиришда асосий драйверлардан бирига айланди.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг бу босқичи шаклланиши даври бўлганлиги боис, олиб борилаётган тадқиқод мавзуйимиз нисбатан янги ва айниқса, мамлакатимизда бу йўналишда ҳали маълум ютуқларга эришилмаганлигини кўрсатди. Шу боис, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш босқичига ўтган давлатларнинг тадқиқотчи олимлари ва маҳаллий олимларимизнинг илмий-назарий қарашларини ўрганиш жараёнида рақамли иқтисодиётнинг кичик бизнесга таъсирининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш, ҳамда соҳа бошқарувини янада такомиллаштириш тадқиқот ишларининг асосий мақсади ҳисобланади.

Жаҳонда тўртинчи саноат инқилоби (Индустрия 4.0)нинг кириб келиши натижасида, рақамли иқтисодиётнинг шиддатли шаклланишини, ҳамда қисқа муддатда тезлик билан ривожланишини иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиёти яққол исботлайди. Рақамли иқтисодиёт бутун жаҳонда юқори суръатлар билан ривожланиши билан, унинг назарияси анча орқада қолмоқда. Шу сабабли, ушбу мавзуни илмий тадқиқ этиш кўплаб олимларнинг диққат марказида турибди. Жумладан, К.Шваб, Ж.К.Рамо, В.Д.Маркова, И.Шпуров, А.В.Кешелава, Л.В.Лapidус, А.В.Лукьянова, Г.Б.Новосельцева, Н.Молоткова, А.И.Бородин, Л.Гуриева, Г.Ф.Варнакова, А.О.Фадеева, Э.Б.Бабалян, Л.В.Шлехова, С.К.Шарма ва маҳаллий олимларимиздан С.С.Ғуломов, Р.Ҳ.Аюпов, О.М.Абдуллаев, Г.Р.Балтабаева, А.А.Фаттахов, К.Ахмедов, Ш.Н.Ахунова, Э.А.Муминова кабилар ушбу йўналишда илмий изланиш олиб бормоқдалар.

Илмий-назарий изланишлар шуни кўрсатди-ки, авваламбор, “Индустрия 4.0”, “рақамли иқтисодиёт” ва “ақлли бошқарув” тушунчаларининг аҳамиятини англамасдан туриб, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришга эришиб бўлмайди. Негаки, рақамли иқтисодиётда кичик бизнеснинг таркиби, тузилиши, шакллари, хусусиятлари ва умуман бошқарув фаолияти изчил такомиллашиб, янги бизнес моделларида амалга оширилади. Бугунги кунда жаҳонда тўртинчи саноат инқилоби бошланган экан, бутун дунё мамлакатлари “саноат эволюцияси” даврини кечиб ўтаяпти (1.1-жадвал). Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари айниқса, АҚШ, Германия, Хитой, Жанубий Корея давлатлари рақамли иқтисодиёт тизими асосида иқтисодий ислохотларини амалга оширмоқда. “Рақамли эволюция индекси”га асосланган ҳолда Норвегия, Швеция, Швейцария, Дания, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея, Буюк Британия, Гонконг ва АҚШ рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Хусусан, Калифорнияда ташкил этилган Tesla ва SpaceX компаниялари ёки Германиядаги Fujitsu Siemens, Адидас ҳамда Harley-Davidson компанияларида айнан ишлаб чиқариш жараёни рақамлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Бу ўз навбатида, завод ва фабрикаларни “ақлли” корхоналарга айлантириш стратегияси бўлиб, бошқарувда жуда катта қулайликлар яратиб, ишчи кучини, вақтни, кўпгина сарф-харажатларни камайтиради.

(1.1. жадвал)

Саноат эволюциясининг ривожланиш босқичлари

Саноат инқилоби босқичлари	Иқтисодий ривожланиш жараёнлари кетма-кетликда
I – босқич XVIII-XIX аср 1760- 1840 йиллар	Темир йўллар қурилиши билан бошланиб, бўғ двигатели ихтироси – механик ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келди.
II – босқич XIX аср охири ва XX аср бошлари 1860 йил	Электр энергиясининг тарқалиши ва конвейер (Ф.Тейлор тизими)нинг ихтиро этилиши – меҳнат унумдорлигининг улкан ўсишини таъминлади ва оммавий ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига олиб келди.
III – босқич XX аср охири 1960-йил	Электроника, ахборот технологиялари индустрияси, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш.
IV – босқич XXI аср 2011 йил	Рақамли иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш жараёнига чуқур интеграциялашуви. “Ақлли корхона”, киберфизик тизимлар такомиллашуви.

Албатта, ҳар бир саноат инқилоби даврида ишсизлик даражасининг ўсишига хавсираш пайдо бўлади. Аммо, инқилобнинг ҳар қайси босқичи ўтгани сайин нуфузли, талаб юқори бўлган касблар кўпайиб, етук мутахассис кадрларга бўлган талаб ошади. Саноат инқилоби, яъни “Индустрия 4.0”нинг асосий хусусияти шундаки, ишлаб чиқаришнинг барча таркибий қисмларида инсон меҳнати камайган ҳолда, рақамлаштирилган - киберфизик тизим фаоллашади ва “инсон-машина интерфейсларини ривожланишига олиб келади”. Бу эса, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳатто инсон онги етмайдиган даражада улкан бурилишга олиб келиши мумкин. Бу борада, Жаҳон иқтисодиёти форуми раиси К.Шваб фикрига кўра, “технологияларнинг назоратсиз ривожланиши иқтисодиёт учун хавфни келтириши мумкин, шунинг учун Германияда инқилобий ўзгаришлардан кейин иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳолатини, шу жумладан куч билан таъминланган ақлли қурилмаларнинг пайдо бўлишини ўрганадиган саноат концепцияси ишлаб чиқилган” лиги технологияларинг самарали бошқарувини таъминлайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини кескин ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиши билан бирга, жаҳон бозори майдонида юксак рақобат даврини бошлаб берди. Яъни рақамли технологиялар асосида ташкил этилган ёки “ақлли бошқарув” тизимига ўтган давлатлар янада ривожланиб борса, иқтисодиёти қоқоқ давлатларнинг янада қашшоқлашуви сабаб бўлади. Хусусан, 2019 йилда Женевада бўлиб ўтган Бирлашган миллатларнинг савдо ва ривожланиш конференцияси (UNCTAD)да бош котиб М.Китуйи маърузасида: “рақамли технологиялар-нинг тез тарқалиши кўплаб иқтисодий ва ижтимоий фаолиятни ўзгартирмоқда. Бироқ рақамли бўлинишларнинг кенгайиши ривожланаётган мамлакатларни ва айниқса, энг кам ривожланган мамлакатларни янада ортда қолдириши билан таҳдид қилмоқда” деб таъкидлаб ўтиши фикримизнинг ёрқин исботидир.

Демак, ривожланаётган мамлакатлар ва энг кам ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда хориж давлатлари амалиётини ўрганиш ва

босқичма-босқич жорий этиш устувор вазифа саналади. Шунингдек, мамлакатни тараққиётнинг бу босқичига ўтишида, давлатнинг стратегик сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жумладан, кичик бизнесни рақамли ўзгартириш муҳимлигини турли мамлакатлар ҳукуматлари таъкидлаб, бу ахборот коммуникация технолологияларини жорий этишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бунга мисол сифатида Европа Иттифоқида кичик бизнесни рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш дастури – “Horizon 2020”ни келтириш ўринли. Ушбу дастур учун 2014-2020 йилларга мўлжалланган бюджетдан 80 миллиард евро маблағ ажратган.

В20 рақамлаштириш бўйича Сиенс Клаус Хелмрич ҳам бу борада қуйидаги хулосага келди: - “Рақамлаштириш табиий равишда трансчегаравий характерга эга, яъни юзага келиши мумкин бўлган муаммолар билан бир қаторда потенциал имкониятларга тўла. Шу сабабли давлат ва бизнес ушбу тўсиқларни келажакка йўналтирилган ҳаракатлар билан биргаликда ҳал қилиш учун яқиндан ҳамкорлик қилишлари керак” деган фикрлари илгари сурилган.

Ушбу таърифлардан келиб чиқган ҳолда, шуни хулоса қилиш керакки, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиш зарурлиги, янги технолологияларни бизнес эҳтиёжларига мослаштириш, янги турдаги тадбиркорларни шакллантириш учун қулай муҳитни янада ривожлантиради.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин келажакда рақамлаштириш туфайли иқтисодий ўсишга эришилади. Рақамли иқтисодиёт ҳажми жаҳон ЯИМнинг 4,5% дан 15,5%гача ортиши ва 2025 йилга келиб, Хитойда интернет технолологиялар туфайли ЯИМнинг 22%гача ўсиши прогноз қилинган. АҚШда рақамли технологиялардан кутилган ўсиш 1,6-2,2 трлн. доллар, Россияда эса 4,1-6,9 трлн. рублга кўпайиб, ЯИМ ўсишининг 19%дан 34%гача етиши аниқланган.

Рақамли иқтисодиёт миллий иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсиб бораётган мамлакатларда нисбатан фаол шаклланиб бораётганлиги диққатга сазовор. Масалан, энг фаол рақамли фаолият АҚШдаги кичик ва ўрта корхона вакиллари томонидан амалга оширилади (ҳаражатлар 186 миллиард доллар), иккинчи ўринда Хитой (56 миллиард доллар). Марказий ва Шарқий Европа давлатлари орасида кичик ва ўрта бизнес сегментида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича етакчилар Чехия, Греция, Польша ва Словакия бўлиб, бу ерда корхоналарнинг ўртача 75%и камида битта рақамли вариантга эга. Европа Марказий банки маълумотларига кўра, Россияда кичик ва ўрта бизнес томонидан кўрсатиладиган 6155 рақамли хизматлар 1 миллион фуқарони ташкил этади. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари учун ўртача кўрсаткич эса 17909 етади.

МУҲОКАМА

Юқорида келтирилган халқаро статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти - рақамли иқтисодиёт қайдай босқичда ривожланганлиги ва унда кичик бизнеснинг ўрни қайси даражада эканлигида намоён бўлади. Аммо, бир қатор тадқиқотчи олимлар кичик бизнесга, рақамли иқтисодиёт ютуқларини жорий қилишнинг ижобий томонларидан кўра, салбий жиҳатлари кўп эканлигини эътироф этишмоқда. Бу ўз навбатида илмий қарашларда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, мавзунинг нақадар долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Совет рус олими профессор Татьяна Черниковская “Рақамли иқтисодиёт антропологик муаммо” деб, яъни бутун инсониятнинг эволюциясига қолаверса, онгига, тафаккурига, фаолиятига таъсир кўрсатувчи глобал муаммо эканлигини айтиб ўтса, шу соҳада илмий изланиш олиб бораётган айрим тадқиқодчилар “кичик корхоналар фаолиятида бошқарувнинг сустиги, корхоналарни бошқариш тажрибасининг етишмаслигида рақамли технологиялардан фойдаланиш тадбиркорлик хавфини сезиларли даражада оширади” деган хулосага келишди. Яна бир қатор тадқиқодчилар кичик бизнес субъектларининг фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш, тадбиркорлик хавфини сезиларли даражада ошириши ва юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ масаланинг молиявий томонларида сезиларли ўзгаришларга олиб келишига менежментнинг заифлиги, корхоналарни бошқариш бўйича тажрибанинг етишмаслиги, рақобат билан боғлиқ бўлган бозор конъюктураси, солиққа тортиш тизимининг номукамаллиги каби муаммолар келтирилган бўлсада, кўплаб олимлар эса ижобий фикр билдириб рақамли иқтисодиётдан кўркиш керак эмаслигини уни тан олиш кераклиги ҳамда муаммонининг аҳамиятини тушуниш ва бартараф қилишда рақамли технологиялар муҳим аҳамиятли эканлигини таъкидлашади (1.2-жадвал). “Рақамли иқтисодиёт шаклланиш босқичида бўлганлиги сабабли, тадқиқотларда ва бизнес амалиётида рақамли технологиялар нима ва бизнесни рақамлаштириш нима деган тушунчаларга ягона таъриф келтирилма-ган” лигини инобатга олган ҳолда, бу тушунчага шу соҳада илмий изланиш олиб бораётган тадқиқодчиларнинг қарашларини ўргандик.

(1.2 - жадвал)

<p style="text-align: center;">Рақамли иқтисодиётнинг бизнес жараёнига жорий қилинишининг аҳамияти тадқиқодчи – олимлар</p>	<p style="text-align: center;">Рақамли иқтисодиётда бизнеснинг аҳамиятига берилган таърифлар</p>
<p style="text-align: center;">Маркова В.Д.</p>	<p>Рақамли технологияларнинг бизнесга тадбиқ этилишининг ўзига хос хусусияти бу – ташкилотнинг жисмоний ва рақамли ресурсларини бизнес муаммоларини биргаликда ҳал қилишда бирлаштириш, бу янги бизнес моделларини шакллантиришга олиб келади, истеъмолчилар учун янги қиймат яратади, рақобатбардош стратегияларни ўзгартиради ва натижада бизнеснинг рақобатбардошлиги ортади. Шунга кўра, рақамли иқтисодиётни ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида, иқтисодиёт ва жамиятда жисмоний ва рақамли объектларни бирлаштиришга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичи сифатида белгилаш мумкин.</p>
<p style="text-align: center;">Лapidус Л.В</p>	<p>Рақамли иқтисодиёт бизнес учун янги ғояларни топишга ва тезкор аналитик - бизнес-таҳлил асосида мижозлар билан ўзаро алоқада</p>

	бўлишга имкон берди. Ушбу тадқиқодлар натижасида Google Analytics ва Yandex. Metrik каби бепул хизматлар яратилди.
Гулямов С.С	Рақамли иқтисодиёт янги бизнес моделларида пайдо бўлмоқда ва бу бозорнинг бошқа иштирокчилари билан занжирли реакцияни келтириб чиқаради. Улар орасида энг оммабоплари- Freemium-model, Tree-to-play, On-on-Print каби компанияларнинг ривожланиш стратегиясини учун шахсий маҳсулот ва хизматларни, тижорат воситаларини олиш истаги.
Ахунова Ш.Н., Муминова Э.А	Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг янги технологиялари таъсирида бизнес моделлари аниқ ва равшан ўзгариб бормоқда. Масалан, йўловчиларни ташиш бозоридаги агрегат компаниялар (GettTaxi, Yandex.Taxi) ташувчи бизнесида кўплаб ўзгаришларни амалга оширди ва уларни истеъмолчилар учун янада жозибador қилди.

Келтирилган жадвал таҳлили ва тадқиқодчи олимларнинг қарашлари шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт кичик бизнесда кўплаб қулайликларни яратиши билан бирга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳам белгилайди. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг асосини иқтисодиёт ва жамиятни рақамлаштириш жараёни ташкил этиб, рақамли технологияларни оммавий жорий этиш ва ўзлаштиришни назарда тутди. Бу эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришига олиб келади.

Дастлаб, рақамли технологияларни жорий этиш йирик ва ўрта корхоналар учун устувор вазифа эди. Бироқ, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилаётганини кузатиш мумкин, бу самарадорликни оширишни таъминлайди, янги бозорларга чиқишни очади ва инновацион салоҳиятни тўлиқ амалга оширишга имкон беради.

Бутун дунё бўйлаб рақамли технологияларнинг таъсири энг кичик ва ўрта бизнесда намоён бўлиши аниқ, чунки улар тез ўзгариб туради. Кичик корхоналарда, йирик корпорациялардан фарқли ўларок, ўзгартириш тартиби жуда оддий. Йирик корпорациялар рақамли янгиликларни амалга оширишда у қадар тезкор эмас. Бир томондан, бу катта бизнесга хатарларни камайтиришга имкон беради, чунки барча технологик янгиликлар узоқ муддатда самарали бўлмайди. Бошқа томондан, бундай кечикиш йирик компанияларнинг янги бизнес сегментида юқори даромадларни бўлишида иштирок этишига тўсқинлик қилади.

Россиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, кичик ва ўрта бизнесда рақамли инкилоб аллақачон бошланган. Кўпгина кичик бизнес эгалари аллақачон ўз бизнесларини ривожлантириш учун онлайн технологиялардан фойдаланмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, кичик бизнес бошқа соҳаларга қараганда, харидорларни жалб қилиш ва арзонроқ маҳсулотларни миқозларга онлайн етказишни таъминлайдиган, янгиликларни тезроқ жорий этишга ихтисослашган. Масалан, Алиэкспрес ёки Аирбнб бошқарув модели рақобатни кучайтирмоқда ва ҳатто дунёнинг етакчи компанияларини сиқиб чиқармоқда.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнесни ривожлантириш, хориж олимларининг илмий тадқиқот изланишларида ҳам олиб борилаёпти. Уларнинг илмий ишларида, ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида амалга оширилаётган рақамли

иқтисодиётнинг энг кенг тарқалган соҳаларидан бири бўлган, электрон тижоратни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратган ҳолда, қуйидаги фикрларни келтирганлар. Электрон тижорат кучли ўсишда давом этмоқда ва бу келажакда ўз аҳамиятини янада кенгайтирган ҳолда, халқларнинг ижтимоий ва иқтисодий ўсишига таъсир қилади. Электрон тижорат технологиялари мамлакатларга иқтисодий ўсишини жадаллаштиришга ва бизнесни ривожлантириш учун кўпроқ имкониятлар яратишга ёрдам берди деган хулосаларини келтирганлар.

Бироқ, ўз фаолиятини рақамлаштириш йўлида кичик ва ўрта корхоналар юқори солиқ ставкалари, ноқулай инвестиция муҳити, молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имконияти чекланганлиги билан боғлиқ бўлган маълум бир қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ушбу хусусиятларни ўрганиш ва салбий томонларнинг таъсирини енгиб ўтишга имкон берадиган ижобий томонлардан фойдаланиш усуллари излаш кичик корхоналар фаолиятининг рақамлаштириш даражасини ва натижада инновацион даражасини оширишга имкон беради.

ХУЛОСА

Кичик бизнес бир томондан, рақобатбардошликнинг мақбул даражасини сақлаб қолиш учун рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланишга мажбур бўлса, бошқа томондан, улар ўзлари ушбу элементларнинг ривожланиши учун шароит яратадилар. Бизнесда энг янги рақамли технологиялардан фойдаланиш тадбиркорлик субъектларини самарали ривожлантириш учун зарур ва шартдир.

Умуман олганда таъкидлаш мумкинки, кичик ва ўрта бизнес вакиллари рақобатбардош позицияларни таъминлаш ва келгусида ўз фаолиятларини рақамлаштиришни амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунда учта стратегик вазифани ҳал қилишмоқда:

- биринчидан, етказиб берувчилар ва мижозлар билан яқинроқ алоқаларни ўрнатиш;
- иккинчидан, ўзининг операцион самарадорлиги даражасини ошириш;
- учинчидан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Ахборот тизимлари ва рақамли технологияларни ишлаб чиқариш соҳасига киритмасдан туриб, ушбу учта вазифани бажариш имконсизлиги аниқ. Кичик бизнес субъектлари рақамли технологияларни жорий этиши истеъмолчилар учун ҳам, бизнеснинг ўзи учун ҳам фойдалидир.

Юқорида келтирган айрим тадқиқодчи олимларнинг кичик бизнесда рақамли технологиялар жорий қилинишининг баъзи салбий томонлари келтирилган бўлсада, унинг ижобий томонлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти мамлакат тараққиётида ўта муҳимлигини келтирган илмий назарий қарашларимиз яққол исботлайди.

Албатта, ҳар бир иқнилоб даври инсониятни чуқур тафаккур қилишга, изланишга ундайди. Инқилобнинг ҳозирги 4-босқичи рақамли иқтисодиётни жадал ривожланишини ва иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларини қамраб олишини таъминлайди. Зеро, жамият тараққиёти ривожланишининг асосий омилларидан бири, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва такомиллашувидир. Шундай экан, кичик бизнес ёки қайси иқтисодий соҳа бўлмасин, рақамлаштириш - объектив, муқаррар ва уни тўхтатиш мумкин эмас.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон Фармони 05.10.2020 й.
2. “Ўзбекистон Республикасида рақамли иктисодиётни ривожлантириш буйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3832 сон қарорни. 03.07.2018 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://vawilon.ru/statistika-biznesa/>
4. Шпуров И. Индустрия 4.0 // Эксперт. 2016. № 40. 61 с.
5. Маркова В.Д. Цифровая экономика. Учебник. Москва. ИНФРА-М 2019 г.
6. Лapidус Л. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. М.: INFRA-М, 2017 -281 с.
7. Варнакова Г.Ф., Фадеева А.О. Малый бизнес на пути цифровизации экономики «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» №1(28) 2019 Alley-science.ru УДК 334.012.64 https://alleyscience.ru/domains_data/files/04January2019/MALYY%20BIZNES%20NA%20PUTI%20CIFROVIZACII%20EKONOMIKI.pdf
8. Новосельцева Г.Б., Рассказова Н.В. Перспективы малого бизнеса в цифровой экономике // Вопросы инновационной экономики. – 2020. – Том 10. – № 1. – С. 521-532. – doi: 10.18334/vines.10.1.100580. <https://elibrary.ru/item.asp?id=42676121>
9. Бабалян Э.Б., Шелехова Л.В., Блягоз З.У., Тешев В.А., Нагоев А.В., Минченко К.А. Развитие малого бизнеса в условиях цифровой экономики
10. Лукьянова Анна Васильевна, Тенденции и возможности цифровизации малого и среднего бизнеса УДК 330.341.1 ГРНТИ 06.52 www.esa-conference.ru
11. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иктисодиётда блокчейн технологиялари. - Ўқув қўлланма – Тошкент: 2019 йил. 396 б.
12. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
13. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
14. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
15. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
16. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
17. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39

18. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
19. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
20. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
21. MD Rakhmonovna "The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy" American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
22. D.Махмудова "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ" Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
23. D. Махмудова "Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш" Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
24. Пўлотов Ш.Д Рақамли иқтисодиётнинг кичик бизнес ривожлантиришдаги аҳамияти. "Давлат бошқаруви ва иқтисодиётини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами 25.05.2020 йил
25. Ахунова Ш.Н., Муминова Э.А. DIGITAL ECONOMY: PROBLEMS AND SOLUTIONS (17-20) Евразийский Союз Ученых. <https://euroasia-science.ru/pdf-arxiv/17-20-akhunova-sh-n-muminova-e-a-digital-economy-problems-and-solutions/>
26. Christopher Arnold The foundation for economies worldwide is small business. Internationall federation of accountants.26.06.2019. <https://www.ifac.org/knowledge-gateway/contributing-global-economy/discussion/foundation-economies-worldwide-small-business-0>
27. Digital Planet 2017: How Competitiveness and Trust in Digital Economies Vary Across the World. [Электронный ресурс]. URL: <https://sites.tufts.edu/digitalplanet/research/executive-summary/>
28. Digital economy report 2019. Value creation and capture: implication for developing countries. United nations conferens on trade and development. Geneva 2019. Email: publications@un.org Website: un.org/publications
29. Horizon-2020. [Электронный ресурс]. URL: <https://ec.europa.eu/programmes/horizon2020/what-horizon-2020>
30. Klaus Helmrich Digitalization for All Future-Oriented Policies for a Globally Connected World B20, BUSINESS 20 DIALOGUE - G20 Germany – 2017
31. Digital economy report 2019. Value creation and capture: implication for developing countries. United nations conferens on trade and development. Geneva 2019. Email: publications@un.org Website: un.org/publications
32. Отчет Digital McKinsey «Цифровая Россия: новая реальность», 2016 г. [Электронный ресурс]. URL:<https://www.mckinsey.com/~media/McKinsey/Locations/Europe%20and%20Middle%20East/Russia/Our%20Insights/Digital%20Russia/Digital-Russia-report.ashx> (дата обращения 18.12.2019)
33. Bouwman, Harry et al. The impact of digitalization on business models // Digital policy, regulation and governance. 2018; Volume 20: Issue 2: 105-124.

34. High performance through business process management: strategy execution in a digital world / Mathias Kirchmer. Cham, Switzerland: Springer, 2017.
35. Sushil K. Sharma, Ball State University, USA. Socio-Economic Impacts and Influences of E-Commerce in a Digital Economy. Digital Economy: Impacts, Influences and Challenges Harbhajan S. Kehal Varinder P. Singh IDEA GROUP PUBLISHING